«ОРЗИГУЛ» ДОСТОНИДА КЎМАКЧИЛАРНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Н. Хаджимусаева

Мақолада “Орзигул” достони матнидаги “билан” кўмакчисининг стилистик хусусиятлари, унинг гапда бажарувчи функциялари – гапга юкловчи қўшимча маъно оттенкалари ёритилган.

***Калит сўзлар**: достон, матн, кўмакчи, стилистик хусусият, маъно оттенкаси.*

В данной статье рассматриваются стилистические свойства предлога «билан» в дастане «Орзигул».

***Ключевые слова**: дастан, текст, стилистическое свойство, оттенок значения.*

This thesis deals with the stylistic peculiarities of auxiliary conjunction ‘bilan’ (with) in the epic poem “Orzigul”.

***Key words**: doston, text, stylistic peculiarities, the ‘sememe’.*

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги кўмакчиларнинг лингвостилистик хусусиятларини таҳлил қилишга бағишланган дастлабки ишлардан бири Ҳ.Бердиёровнинг “Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида сўнг кўмакчилар” мавзуидаги номзодлик диссертациясидир. А.Пардаев таъкидлайдики, мазкур ишда ***билан*** кўмакчиси восита, сабаб, биргалик, ҳолат, усул, пайт, миқдор, жамлик, ҳолатнинг нима билан мавжудлиги, фикрнинг бирор муҳим воқеага оидлиги, томон маъноларини англатиши ҳамда гапда воситали тўлдирувчи, равиш, пайт, сабаб ва мақсад ҳоли вазифаларини бажаришга ва шу маъноларнинг реаллашувига кўмаклашиши таҳлил қилинган .

Достонда ушбу кўмакчи 167 марта қўлланган, у частотасига кўра “Орзигул” сўзидан кейин 2-ўринда туради. Шунингдек, *-ла* 2 марта (*Ташламасанг, ушбу ёмон феълингни, Ўткир **қўл-ла** кесайинми бўйнингни? (*282). *Мен **азобла** тирикдирман зиндонда, Ўйнаб кулолмадим ёруғ жаҳонда* (379); *-минан* 1 марта (*Қилолмадим сиз **минан** кенгашим, Қулоғингизга борармикан нолишим* (349); *-ман* 1 марта (*Қайтиб келиб, **сенман** ўйнаб-кулайин, Жавоб бер, дилбарим, шунга борайин* (320) қўлланган. Мазкур кўмакчининг фонетик вариантлари ҳисобланувчи китобий-бадиий услубга хосланган *бирла, бирлан, ила, илан* шакллари қўлланмаган. Ҳатто сўзлашув услубига хос, айниқса, ж-ловчи шевалар тилида фаол ишлатиладиган *минан* ва *ман* ҳам достон матнида фаол қўлланмаган. Бу эса достонни куйлаш ва ёзиб олиш жараёнига боғлиқ муаммолар билан изоҳланиши мумкин.

Таҳлил этилган гаплардаги *билан* фақат гап бўлакларини ўзаро боғлаш вазифаси доирасида қолиб кетмаганини кўрсатади. Аксинча, улар гап аркибидаги турли грамматик муносабатларни юзага келтириш жараёнида ўзи билан ёнма-ён келган кўплаб сўзларнинг маънолари кенгайишига, гапларнинг турлича шаклларда ифода этилишига сабаб бўлган.

Мустақил лексик маъно ифода этмагани учун *билан* га гап таркибидаги ёрдамчи восита деб қаралади. Аслида унинг лингвистик имкониятини шу доирада чегаралаш тўғри бўлмайди. Мана бу гапга эътибор қаратамиз: *Сувонхон **Орзигул билан** хайрлашиб, уруш майдонига чиқиб кетди* (325). Гапдан англашиладики, хайрлашиш ҳаракати Сувонхон ва Орзигул ўртасида амалга ошган. Аммо хайрлашишнинг ташаббускори ким? У ким томонидан бошланган? Стилистик жиҳатдан, агар Сувонхон хайрлашиш ташаббускори бўлса, гапни *Сувонхон **Орзигул билан** хайрлашиб, уруш майдонига чиқиб кетди*, Орзигул ташаббускори бўлганида эса ***Сувонхон билан** Орзигул хайрлашиб, уруш майдонига чиқиб кетди* тарзида тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳолатларда *билан* гап бўлакларини ўзаро боғлаш учун эмас, балки муайян бўлаклардаги маънонинг реаллашувига, ҳаракат бажарувчисини аниқ белгилаб беришга хизмат қилади. Мана бу мисолда ҳам худди шу ҳолат кузатилади: *Дўстлари **Сувон билан** сўрашиб, омон-эсон кўришиб: - Отангдан беш кунга муҳлат олган эдик, энди ваъдадан қирқ кун ўтиб кетди, - дедилар* (306).

Достон матнидаги *билан* кўмакчиси иштирок этган юздан ортиқ мисоллар таҳлили шуни кўрсатадики, у, асосан, биргалик муносабатининг, ҳаракатни амалга оширувчи воситанинг ифодаланишига хизмат қилган ҳамда гап бўлаклари ўртасида боғловчилик вазифасини бажарган.

Биргалик муносабатининг шаклланишини олиб кўрайлик. *Қулоғингга олгин шу насиҳатимни, – деб подшо **беклари билан** овга чиқиб кета*

берди (268). *Эрназар боғбон: - Орзигул бир меники эмас, шеригим ҳам бордир, бориб,* ***шеригим билан*** *маслаҳат қилиб, сўнгра сизларга жавоб бераман, - деди* (274) каби. Биргалик маъноси *Ҳали тушда мени кўриб турасан, Мен турайин бу жойимда, Сувонжон,* ***Менинг билан*** *энди бирга юрасан* (289). *Қайтиб отам* ***билан*** *бирга турарман?* (277) мисолларида *бирга* сўзи туфайли янада аниқ намоён бўлади. Шунингдек, иккинчи гапни *Қайтиб отам* ***билан*** *турарман?* тарзида шакллантириш мумкин. У *биргалик* сўзининг вазифасини, яъни маъносини ифодалашни бемалол ўз зиммасига олади. Бошқача айтганда, бу ўринда метонимик жараён кечади. Аммо гапда *билан* нинг ғоят муҳим аҳамияти шундаки, усиз гап тузиб бўлмайди: уни *Қайтиб отам* ***бирга*** *турарман?* тарзида шакллантириш мумкин эмас. Бу эса унинг гап компонентларини боғлашда воситагина эмас, балки гап таркибидаги у боғланиб турган бирликларнинг маъно оттенкаларининг реаллашувида ғоятда муҳим элемент эканидан далолат беради.

Биргалик маъносининг юзага чиқиш ҳолатлари таҳлилида давом этамиз. *Менинг раъйим шундай бўлди,* ***Сизлар билан*** *савашмоққа* (322). Гап таркибидан *сизлар билан* жумласини ажратиб олиб қараганда биргалик маъноси англашилгандай туюлади, лекин *савашмоқ* ҳаракати буни мутлақо инкор қилади. “Савашиш” дейилганда биргаликда эмас, балки икки томоннинг қарама-қарши ҳолатда ҳаракат қилиши кўзда тутилмоқда. Демак, бу ўринда *билан* биргалик эмас, зидлик, қарама-қаршилик маъносининг юзага чиқишига кўмаклашади, холос. *Баландга чиқиб қараса, икки йўлбарс* ***душманлар билан*** *олишаётир* (331) мисоли тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Баъзан шундай ҳам бўлишига қарамай, *билан* кўмакчиси достонда биргалик мазмунини юзага келтириши билан боғлиқ энг кўп қўлланган. Бошқача айтганда, шу маънони англатувчи *биргалик* сўзи матнда ботинан иштирок этади, зоҳиран қўлланмайди, холос. Бу вазифани *билан* кўмакчиси ўз зиммасига олади: *Қорахон подшо зулмидан азоб чекиб ётган халқларни озод қилиб келайин, – деб* ***ўн минг лашкар билан*** *Султонхондан рухсат олиб, Хосхонага жўнаб кетди* (376). *Бўйнида ғул,* ***кишани билан*** *ҳайдай бердилар* (376). *Оллоёр* ***катта-кичиклар билан*** *суҳбатлашиб ўтирган эди* (372) ва ҳоказо.

Қочганини қувиб ўлдирмоқ мардликка тўғри келмас, майдонда курашга чиққанини енгмоқ керак, деб Сувон орқасига қайтди. ***Чўпон билан*** *аҳвол сўрашиб келаётган эди* (333) мисолида биргалик оттенкаси мавжуд ва уни *сўрашмоқ* феълидан ҳам англаш мумкин. Аммо бу биргалик кимлар ўртасида? Сувонхоннинг чўпон билан биргалигими? Агар шундай бўлса, улар биргаликда кимдан аҳвол сўрашмоқда? Учинчи бир кишиданми? Йўқ, албатта. Улар – Сувонхон ва чўпон бир-биридан аҳвол сўрашмоқда. Шунинг учун бу иккисининг биргалигини бошқа кишига нисбатан эмас, балки ўзаро маъносида тушунилади. Агар гап ***Чўпондан*** *аҳвол сўраб келаётган эди* тарзида тузилса, биргалик оттенкаси йўқолади ва ҳаракатнинг бажарувчиси Сувонхон бўлиб қолади.

Сувонхон ***дўстлари билан*** *отдан тушиб, айил-пуштанини бўшатиб, отларнинг қотган терини ушатиб…* (300) мисолидан ҳам юзаки қараганда биргалик мазмуни англашилаётгандек туюлади. Аслида эса ҳаракатни ҳамма биргаликда эмас, балки ҳар бир киши алоҳида бажарган.

Таҳлилларимиз *билан* кўмакчиси ёрдамида юзага келадиган биргалик маъносини юзаки қараш мумкин эмаслигини, у ҳар бир нутқий вазиятда алоҳида бир маъно оттенкаларининг юзага чиқишига кўмаклашишини кўрсатади.

Достон матнида *билан* кўмакчиси ҳаракатнинг бажарилишида қурол-восита бўлган нарса-ҳодисанинг грамматик жиҳатдан шаклланишига кўмаклашади: *Сипоҳлар етиб келиб, бари қўл қовуштириб салом бериб,* ***одоб билан*** *ўзини кўрсатди* (267). *Ислом шоир бу достонни айтгандир, Мансур Афзал* ***қалам билан*** *битгандир* (381). *Шаҳарга киришда бир* ***тош билан****, чиқишда бир* ***тош билан*** *Оллоёрни урсин, – деб хабар қилди* (376). *Тез-тез юр! – деб Саримирохўр гоҳ қамчи, гоҳ* ***мушти билан*** *Оллоёрнинг гарданига урар эди* (376). *Омон-эсон узоқ йўлдан келурсан,* ***Ақл билан*** *улуғ гапни билурсан* (375). ***Арқон билан*** *қўлин бойлаб, Юрак-бағрини доғлаб* (372) каби.

Таъкидлаганимиздек, учинчи маҳсулдор қўлланиши унинг боғловчилик вазифасини бажариши билан боғлиқ: *Боғимда очилган* ***гул билан гулзор****, Уларнинг ичида бўлдим беқарор* (279). *Қирқ йигит Эрназар боғбонникига бориб,* ***боғбон билан хотинининг*** *қўлини боғлаб, бошини ўлимга чоғлаб, ҳар қадамда бошига бир қамчи ташлаб* (316). *Дилмурод: – Агар мен саломат бўлсам, уларни кўриш осондир, – деб* ***бобоси билан момасини*** *Барногулнинг қошига олиб борди* (380). *Шунда Дилмурод* ***Эрназар бобоси билан Тўтигул момасини*** *зиндондан озод қилиб олди* (380).

Бу мисоллардаги *билан* ни ўзбек тилидаги тенг боғловчилар билан алмаштириш мумкин бўлса ҳам, услуби жиҳатидан бундай қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки достонни куйлаш жараёнида *гул билан/минан/ман гулзор, боғбон билан/минан/ман хотини, бобоси билан/минан/ман момаси, Эрназар бобоси билан/минан/ман Тўтигул момаси, зарбим билан/минан/ман кучимни* тарзида талаффуз қилиш *гул ва/ҳам/ҳамда гулзор, боғ-*

бон ва/ҳам/ҳамда хотини, бобоси ва/ҳам/ҳамда момаси, Эрназар бобоси ва/ҳам/ҳамда Тўтигул момаси, зарбим ва/ҳам/ҳамда кучимни тарзида талаффуз қилишдан кўра енгил ва қулайдир. Бунинг устига *билан* нинг туркий тилларда қўллана бошлаши *ва, ҳам, ҳамда* боғловчиларига нисбатан қадимийдир.

Ой юзли, ўткир кўзли, сертамизли, саратон юлдузли, ширин сўзли, йўлбарс билакли, қоплон юракли ***Дилмурод билан момаси*** *кўришди* (378). Сиртдан қараганда *Дилмурод билан момаси Дилмурод ва момоси* тарзида қабул қилиниб, *билан* элементи *ва* билан тенглаштирилади. Аслида ҳаракатнинг бажарилишида тенглик йўқ. Ҳаракат бир киши – Дилмуроднинг момоси томонидан бажарилган.

Шунингдек, ушбу уч ҳолатдан ташқари, *билан* кўмакчиси сабаб муносабатининг юзага чиқишида ҳам иштирок этади: *Шу* ***алла билан*** *Дилмурод энасининг кўкрагига бошини қўйиб, ухлаб қолди* (347). Пайт маъносининг ифодаланишига кўмаклашади: *Эртага* ***эрта билан*** *от-яроғингни олиб кел, - деди* (342). Ҳолат маъносининг шаклланишига ёрдам беради: *Бермасанг, шоҳимиз ўяр кўзингни,* ***Иззат билан*** *хонга бергин қизингни* (272). ***Ихлос билан*** *Орзигул турди жойидан, бориб отнинг сағрисини силади* (280). *Подшо давлатига бориб, сабр-тоқатсиз, ошиқлик дардида* ***бедорлик билан*** *тонг оттирди* (271). *Оқтош шаҳрига етиб,* ***вақтихушлик билан*** *кириб келдилар* (372). ***Ғазаб билан*** *энди югуриб елганда, Ушлардим кўкдаги қарчиғайни* (285) каби. Жамликни ифодалайди: ***Тўти билан булбул*** *сайрайди хуррам, Нима бўлди иккингизга, энажон?* (275).

Аммо *билан* ёрдамида сабаб, пайт, ҳолат, жамлик маъноларининг юзага чиқиши фаол учрайдиган ҳодисалар эмас. Шунга қарамасдан, юқорида санаб ўтилган муносабатларнинг шаклланишидаги *билан* нинг иштироки достон матнидаги гап қурилишида айрим синонимик муносабатларни келтириб чиқариши мумкинлиги маълум бўлади. Масалан:

- айрим феъл шакллари билан: *ғазаб билан – ғазабланиб:* ***Ғазаб билан*** *миниб отнинг белига, Илон тилли қиличин об қўлига* (332); *таъзим билан – таъзим қилиб: Агар ғаним бўлса, дорга иласиз, – деб, болалар* ***таъзим билан*** *чиқиб кетдилар* (338); *тилла билан-тилла қўшиб: Боғбон кўп камбағал,* ***тилла билан*** *қизингни элтиб берсак, ўғлини берар* (268); *тусмол билан – тусмол қилиб:* ***Тусмол билан*** *ёлғон гапни сўйласам, У гапларнинг чин эканин англайин* (366); *ҳазил билан – ҳазил деб: Ташқарига чиқай десам, қўймайсан, Ёки менга* ***ҳазил билан*** *қарайсан?* (319);

- ўрин-пайт келишиги кўрсаткичи *-да* билан: *…* ***вақти хушлик билан*** *бир уйга борди, эшигини очиб ичкари боқди* (287). ***Баланд товуш билан*** *Толмас қичқирди: – Сувоннинг шогирди мендан ҳам зўрди* (321). ***Алам билан*** *дилим доғлаб, Ушбу йўлда белим боғлаб* (363). *Нима бўлди бегим, сиздай тўрага,* ***Ётган билан*** *ёр тирилиб келарми?* (360). Бу синонимия асосан ҳолат маъносини англатганда содир бўлади: *Бу* ***ғам билан*** *юрган ўша нотавон, Охир сени берди қудратли мавлон* (276). ***Мотам билан*** *қаддим букиб йиғладим, Тўхтанг, қизлар, мен боламни кўрайин* (353) каби.

Гарчи бу икки грамматик кўрсаткич бир-бирининг ўрнини матнда алмаштириш мумкин бўлса-да, оттенкалари бир-бирига тенг эмас. Масалан, *Ухлаганда ғафлат ичра келганди, Мендай гумроҳ* ***уйқу билан*** *бўлганди* (351) гапи *Мендай гумроҳ* ***уйқуда*** *бўлганди* деб алмаштирилса, мазмунга путур етади. *Уйқуда бўлмоқ* – ахборот, маълумот, *уйқу билан бўлмоқ* – афсусланиш оттенкаси мавжуд;

- чиқиш келишиги кўрсаткичи ***-дан*** билан: *«Бу* ***таёқнинг зарби билан*** *айтмаса, ўлдирганим билан Орзигулнинг қаёққа кетганини билолмасман» деб, ҳар иккаласини жаллодлар қирқ бир таёқдан урди* (316). Бу каби синонимик муносабат кўмакчи ҳаракат бажарилишида восита бўлганда амалга ошади: ***Сойнинг ичи билан*** *кетаверди* (358) - ***Сойнинг ичидан*** *кетаверди*. Сабаб маънолари англашилганда ҳам улар синоним бўлган: ***Ситам билан*** *камбағаллар ўлами? Отадан қизига совчи келами?* (273) – ***Ситамдан*** *камбағаллар ўлами? Отадан қизига совчи келами?* Мана шундай ҳолатларда улар ***сабабли, туфайли*** сўзлари билан ҳам синоним бўла олиши маълум бўлиб туради;

- бошқа кўмакчи, масалан, *орқали* билан: *Тилланинг атрофига тўрт қоровул қўйиб: – Бу ишлар подшонинг* ***фармони билан*** *бўлади, – деб* (339);

- боғланиб келган сўз ҳамкорлигида *ўзаро* элементи билан: *Чўпонлар қўйларини камарларга суриб,* ***бир-бирови билан*** *маслаҳат қилишиб, Доно айтди: – Мен кўчқорни сўйдим, бу кеча мен меҳмон қиламан, - деди* (285) каби.

Ушбу кўмакчи баъзан жуфт сўзлар ўртасидаги тенглик аломати бўлган белги – дефис (-) вазифасини бажариши ҳам мумкин. Уларнинг ўзаро ўрин алмаштириб қўлланиши жуфт сўзнинг умумий мазмунига путур етказмаса-да, бу алмашишда стилистик фарқни англаш қийин бўлмайди: *Кирмагин, тўражон, шайтон гапига, Отни чопиб* ***баланд билан пастига*** (325) **–** *Кирмагин, тўражон, шайтон гапига, Отни чопиб* ***баланд-пастига***. Уларнинг шеърий матн поэтикасидаги вазифасига эътибор бермаган ҳолда ҳам стилистик

нозикликларини ажратиш мумкин. *Баланд-пастлик* да ўриндаги умумийлик оттенкаси, *баланд билан паст* да ўринни таъкидлаш оттенкаси мавжуд. Бу оттенкани *баланд ва паст* жумласи ҳам бемалол бера олади. Демак, нутқий жараёнда мазкур кўмакчи аниқлик ва таъкид оттенкаларини ҳам ифодалай олиши маълум бўлади. Яна: *Билмас **паст билан баландди**, Чўлнинг танобини тортди* (299).

Достон тилида *билан* кўмакчиси қўлланиш частотасининг юқорилиги унинг тарихан фаол бўлгани ва фонетик вариантларнинг турли-туманлиги билан изоҳланади. Мазкур кўмакчининг ҳозирги адабий тилда семантик-стилистик имкониятлари қанчалик кенг бўлишига қарамасдан, достонда қўлланишида фақат маълум ҳолатларнинггина бўртиб туриши бу қўлланишдаги халқ оғзаки ижодига хос услубни ҳам белгилайди.

Адабиётлар:

1. Орзигул. Достонлар.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1975.
2. Абдураҳмонов Ғ., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1973.
3. Неъматов Ҳ.Ғ. XI-XII аср ёзма ёдгорликларида кўмакчилар // Ўзбек тили грамматик қурилиши, лексикология ва диалектологияси масалалари. V чиқиши. – Самарқанд: СамДУ, 1976. – Б.39-50.
4. Пардаев А.Б. Ўзбек тилида кўмакчилар стилистикаси. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2008.
5. Рустамов Т. Соф кўмакчилар.- Т.: Фан, 1991.- 32 б.
6. Шомақсудов А. ва бошқ. Ўзбек тили стилистикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1983.

Жиззах давлат педагогика институти,
2017 йил 27 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. З.Қодиров)